



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«Хамшира — 2016»

## Муаззам мамлакат босқичига боради



Наманганда ўтказилган «Хамшира — 2016» кўриктанловининг вилоят босқичида 11 нафар хамшира билими, тажрибаси ва малакасини синовдан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлиги ортиб, аҳоли саломатлиги тобора мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилояти филиали хамшираси Муаззам Йўлдошева биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўллана олди. Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 3-оилавий поликлиникаси хамшираси Матлуба Боқижонова иккинчи, Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими хамшираси Гулҳаё Насридинонова учинчи ўринга сазовор бўлди.

**А. САТТОРОВ,**  
ЎЗА мухбири.  
ЎЗА фотомухбири  
Хотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

Муносабат

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатда айтган фикрлари жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

## Кексалари қадрланган юрт

Давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда, уруш майдонларидан қайтмаган, мана шундай мусоффо осмон, тинч ва осойишта ҳаёт учун жон бериб, қурбон бўлган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан, деган сўзлари халқимиз ўзининг жасур ўғлонларини ҳеч қачон унутмаслиги, юксак қадрлашнинг яна бир тасдиғи бўлди.

Дарҳақиқат, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни барпо этиш, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, озод ва обод дийримиз тинчлигини сақлаш йўлида жон фидо қилган инсонлар хотирасини эъзозлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Шуни қатъий ишонч ва фахр билан айтиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз эрки ва ёрғун қўнлари учун жон фидо қилган ота-боболаримизни хотирлаш қаторида бугун ўзининг бой ҳаётий тажрибаси, доно маслаҳат ва ўғитлари билан ёшларимиз таъбиясига катта ҳисса қўшаётган уруш ва меҳнат фахрийларини қадрига етиш, уларни эъзозлаш, ҳурматларини жойига қўйиш масалаларига устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда.

Мазкур йўналишлардаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўйиш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳар йили «Касаба уюшмалари — фахрийларга» аънавий акцияси ўтказиб келинади. Бу йил ҳам акция доирасида Республика Президентининг 2016 йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган 2214 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига касаба уюшмалари томонидан манзилли моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ўлкаимизнинг турли гушаларида Ўзбекистон равнақи, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва халқ тинчлиги учун қурашган юртдошларимизни эъзозлаш, орамизда бўлмаганларни хотирлашга бағишланган тадбирлар ўтказилиб, кекса ва ёлғиз инсонлар ҳолидан хабар олинмоқда.

Бундан ташқари Мустақиллик йилларида хизмат вазифасини ўташ чоғида халок бўлган 217 нафар Ватан ҳимоячиларининг оилалари ҳолидан хабар олиниб, уларга манзилли моддий ёрдам кўрсатилди. 900 нафарга яқин уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари тизимдаги санаторийларда давлат бюджетидан ҳисобидан, 150 нафар меҳнат фахрийлари эса касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан пул соғломлаштирилди. Корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма кўмиталари томонидан эса ҳозирда нафақада бўлган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, 400 нафарга яқин кекса авлод вакиллари, жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) учун театр, концертларга ташрифлар ҳамда 350 нафар нурунийларимизнинг тарихий шаҳарларимизга саёҳати ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, улар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

**Эътиборхон РАҲМОНОВА,**  
ЎЗКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

## Обод элнинг озод фарзандлари

Юртимизда мустақилликнинг илк йилларидаёқ жисмонан соғлом, маънан баркамол ёшларни тарбиялаш йўлида муҳим қадамлар ташланди. Уларнинг манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили», «Мустаҳкам оила йили», «Соғлом бола йили», «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурлари бу йўлда муҳим қадам бўлди. Қолаверса, ҳар йили Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг амалга татбиқ этилаётгани ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилишларини рўйбга чиқаришда катта аҳамият касб этаётди.

Юртбошимизнинг «Мен ёш авлодимизга, менинг болаларимга қарата бўш келманлар, эртанги кун бизники, марра бизники, деб бежиз, асоссиз айтмайман. Бунинг чуқур маъно-мазмуни шундаки, вақт, йиллар ўтиши билан бизнинг сафимизни ким тўлдирмоқда? Аввало, замонавий билим ва касб-хунарларга эга бўлган, янгича, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, ўзини намойиш этишга қодир бўлган навқирон ўғил-қизларимиз. Кўзлари ёниб турган бундай ёшларимизни яна қаерда — қайси давлат, қайси юрда топиш мумкин», деган оташнафас сўзлари ҳар бир ёш қалбини тўлқинлантиргани шубҳасиз.

»(2).

»(3).

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Сурхондарё вилоятида Мустақилликимизнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан «Ким эдигу ким бўлдиқ, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» мавзuida тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

## Эзгулик сари

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, ёш олимлар, кино ҳамда театр актёрлари, хушовоз хонандалар иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, ёш авлоднинг умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, онгу шуурини мафқуравий ҳамда ахборот хуружларидан ишончли ҳимоя қилиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдан иборат, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Алишер Пардаев. — Тадбир доирасида турли соҳалар, жумладан, таълим тизимида эришилган ютуқлар, жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига бағишлаб намойиш этилган «Ибратли йул», «Кеча ва бугун» деб номланган фотокургазмалари уйлайманки, ушбу йўналишда ташланган муҳим қадам бўлди.

Термиз туризм ва меҳмон-

хона, Жарқўрғон қишлоқ хўжалиги ва агросаноат касб-хунар коллежлари ҳамда Кумқўрғон ва Қизилқум туманларидаги умутаълим мактабларида бўлиб ўтган тадбирларда миллий армиямиз салоҳияти акс эттирилган, бугунги кунда дунёнинг айрим давлатларида юз бераётган нотинчлик, хунрезликлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини тушунтиришга қаратилган қисқа метражли фильмлар намойиши ҳам иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, ёшларнинг турли бузғунчи гоялар таъсирига тушиб қолмаслиги, ёт оқимларга кўр-кўрона эргашиб кетмаслиги учун уларда маънавий иммунитет юксак бўлиши керак, — дейди Термиз банк коллежи ўқувчиси Бахринисо Ҳамдамова. — Бу эса биз, ёшлардан пухта билим олиш, касб-хунар эгаллаш билан бирга, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиқни талаб этади.

Бу каби тарғибот тадбирлари воҳанинг энг чекка қишлоқ ва овулларида жойлашган таълим масканларида ҳам ташкил этилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**  
«Ishonch» мухбири

Конференция

## Меҳнат кодекси: ютуқлар ва такомиллаштириш истиқболлари



1995 йил 21 декабрда қабул қилинган ва 1996 йил 1 апрелда кучга кирган амалдаги Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларининг шартномавий тартибга солинишини кенгайтириб, ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратилганлиги билан ҳам ўта аҳамиятлидир.

Алоҳида таъкидлаш лозим бўлган жиҳатлар кўп. Улардан бири бу айнан Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб янги Меҳнат кодексини қабул қилганлигидир. Ушбу Кодекс лойиҳаси Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари томонидан ҳам ижобий баҳоланган.

Илмий-амалий конференцияда маъруза қилганлар меҳнат муносабатлари соҳасида амал-

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси кучга кирганига бу йил 20 йил тўлди. Шу муносабат билан Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси: ютуқлар ва такомиллаштириш истиқболлари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди.

Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигида ўтказилган конференцияда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий ташкилотлар, касаба уюшма фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик қатнашди.

га оширилган ислохотлар, улар натижасида эришилган ютуқларга батафсил тўхталиб ўтишди. Меҳнат кодексини истиқболда янада такомиллаштириш, меҳнат ва аҳолининг бандлиги, юртимизда касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш каби мавзулар ҳам кенг муҳокама қилинди.

Конференцияда касаба уюшмалари томонидан Меҳнат кодексини аҳоли ўртасида тарғибот этиш йўналишида олиб борилаётган ишлар юқори баҳоланди. Хусусан, Федерация Кенгаши томонидан республикамизнинг турли ҳудудларида ўқув услубий семинарлар, давра суҳбатлари, конференциялар ва уchrashувлар ўтказилаётгани эътироф этилди.



Ишлаётган аёлларга имтиёз

>> 2



Кўзларимга тўтиё, Ватан!

>> 4



Фусункор тароват

>> 4

Раёсат йиғилиши

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабанинг Республика кенгаши раёсатининг жорий йил биринчи чораги фаолиятига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Чорак якунлари муҳокама қилинди

Қайд этилганидек, ўтган даврда устувор йўналишлар асосида муайян ишлар амалга оширилиб, жумладан, меҳнат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, янги қонунларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича тақлифлар киритилди.

Тармоқ касабани уюшма фаолиятининг 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари ҳамда уларни амалга ошириш бўйича 2016 — 2017 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ЎзКФФ ўқув марказида 49 нафар янги сайланган касабани уюшма қўмитаси раислари ва 22 нафар бошланғич касабани уюшмасининг тафтиш комиссияси раислари ўз малакаларини оширди.

Тармоқ касабани уюшмаси «Соғлом она ва бола йили» ва Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишида ҳам фаол иштирок этаётди.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомилдор аёлларнинг соғлигини сақлаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рациони сифати ва калорияси яхшиланишини таъминлаш, ишловчи аёлларнинг тиббий кўриқдан ўтиши ҳамда хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ишлар касабани уюшмасининг доимий назоратида бўлди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилишида касабани уюшма аъзолари сафини кенгайтириш борасида изчил фаолият олиб борилаётгани таъкидланди.

Яна бир қувонарли жиҳат, республика бўйича касаначилик меҳнатидан фойдаланаётган корхона ва ташкилотлар 436 та, тузилган меҳнат шартномалари ва касабани уюшмаси аъзоларига қабул қилинган касаначилар сони 4970 нафарни ташкил этди.

Чорак давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Андижон ва Жиззах вилоятларида касабани уюшма ходимлари ва фаоллари малакасини ошириш мақсадида фаоллар ўқувларини ташкил этишга эътибор янада кучайтирилди.

Чорак давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Андижон ва Жиззах вилоятларида касабани уюшма ходимлари ва фаоллари малакасини ошириш мақсадида фаоллар ўқувларини ташкил этишга эътибор янада кучайтирилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши раёсат йиғилишида 2016 йил биринчи чорагидаги фаолият якунлари муҳокама қилинди.

Ўсиш, илгарилаш бор



Хусусан, амалда бўлган жамоа келишуви ва шартномалари ижтимоий тарқибий қисмининг сезиларли даражада кучайтирилиши натижасида мазкур локал ҳужжатлар орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун қўшимча имтиёزلар кўлами ортиб бораётгани, ижтимоий ҳимоя тадбирлари фаоллаштирилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, меҳнат муносабатлари соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда касабани уюшмалари иштироки, ижтимоий шериклик, бандлик, иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя, ёшлар ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борада касабани уюшмалари олдида турган галдаги вазифаларга эътибор қаратилди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам атрофлиқ таҳлил этилди. Нодавлат секторидagi корхона, ташкилот ва муассасаларда касабани уюшма ташкилотларини тузиш, уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси соҳасида профилактик ишларни кучайтириш, касабани уюшмалари тизимида жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўналишларидаги юмушлар ҳам йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Раёсатда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Б.ҚУВАТОВ,

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси

Меҳнат кодекси:

Ютуқлар ва такомиллаштириш истиқболлари

Ў(1).

Меҳнат жамоалари, олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларида ходимлар ва ёшларни жалб этган ҳолда ташкил этилаётган бу каби тадбирлар аҳолининг миллий ва халқаро меҳнат стандартлари соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, қатор вазирлик ва идоралар тизимидаги ходимлар малакасини ошириш институтлари, ўқув-методика марказлари, қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларининг ўқув дастурларига миллий ва халқаро меҳнат стандартлари бўйича маҳсус курслар киритилди.

Мазкур йўналишларда жамоатчилик ўртасида қатор танлов ва викториналар ўтказиб келинмоқда.

Ана шундай танловлардан бири — «Меҳнат кодексини биласизми?» он-лайн викторинаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 20 йилли-



гига бағишлаб ўтказилди. Ушбу танлов иштирокчилари сони 900 нафардан ошиб кетди. Унда нафақат ҳуқуқшунослар, балки кенг жамоатчилик вакиллари ҳам фаол иштирок этгани, айниқса, таҳсинга лойиқ. Кон-

ференция доирасида Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган викторина ғолибларини тақдирлаш тадбири ҳам бўлиб ўтди. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги билимларни

янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган мазкур он-лайн викторинанинг ғолиби ва совриндорлари Касабани уюшмалари Федерациясининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

— Викторинада 1-даражали дипломни қўлга киритдим, — дейди Адлия вазирлиги ходими Олим Файзиёв. — Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, викторинадаги саволлар амалиётда муҳим рол ўйнаши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 20 йиллигига бағишлаб чоп этилган маколалар тўплами тақдироти ўтказилди. «Касабани уюшмаси кутубхонаси» серияси руҳидаги мазкур нашр иш берувчилар ва ходимлар учун муҳим қўлланмалардан бири бўлиши, шубҳасиз.

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими. Иқром ХАСАНОВ олган суратлар.

Хотин-қизлар комиссиялари фаолиятидан

Сирдарё вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар комиссияси томонидан корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёллар учун яратилган шароитлар, жамоа шартномаларида улар учун кўзда тутилган қўшимча имтиёзларнинг бажарилиши доимий назорат қилиб келинмоқда.

Ишлаётган аёлларга имтиёз

— Аёллар бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитини яхшилаш асосий масалалардан биридир, — дейди бирлашма Хотин-қизлар комиссияси раиси Раёно Абдалимова. — Бунда нафақат аёлнинг, балки унинг оиласи, фарзандлари манфаати инобатга олинади.

«Сирдарё худудий электр тармоқлари» АЖда ишловчи ходимларнинг 118 нафари хотин-қизлар бўлиб, 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида улар учун белгиланган қўшимча имтиёзларнинг тўлиқ бажарилишига эришилди. Хусусан, улар учун дам олиш ҳамда аёллар гигиена хонаси намунали ташкил этилган. Ходимлар мавсумий кийим-бош билан таъминланган.

Ҳомилдорлик ва туғиш таътилида бўлган аёлларга таътил пуллари берилмоқда, байрамлар муносабати билан рағбатлантириш йўлга қўйилган. 3 ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллардан 12 нафари меҳнат қончилигида белгиланган имтиёздан тўлиқ фойдаланишди. Шунингдек, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган 2 нафар ходим учун ҳам қисқартирилган иш кўни жорий этилган.

Бобўвот туманида мазкур жамоага қарашли ёрдамчи ҳўжалик ходимларни бепул сўт билан таъминламоқда. Хўжалиқда 80 бош қорамол парвариш қилинади. Бундан ташқари, зарарли иш шароитида меҳнат қилувчи ходимлар учун нафақага эрта чиқиш тартиби амал қилиб келинмоқда.

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурига мувофиқ аёлларни чуқурлаштирилган бепул тиббий кўриқдан ўтказиш белгиланган, — дейди касабани уюшма қўмитаси раҳбари Шавкат Мирзабеков. — Бу аёлларимизнинг саломатлиги доим назоратда бўлишини, уларнинг умумий меҳнат қилишини таъминлайди.

Ўтган йили аёллардан 38 нафари «Нурфшон» санаторийсида дам олган бўлса, тизимга қарашли даволаш профлакторийсида 25 нафар хотин-қиз саломатлигини тиклади.

— Ишчилар, айниқса, аёлларга эътибор кўчи, — дейди Лола Омонова. — Ўзим ҳам сўкин 30 йилдан буён шун ерда меҳнат қилиб келаяпман. Бу аёлнинг корхонадаги умумий иш стажини эшитиб, очиги, ҳайрон бўлдим. Лола опа кулиб, мактабин битиргандоқ шу ерга ишга келгани, кейинчалик, Ширин Энергетика коллежини тамомлаб, чилангар бўлиб ишлаб қолганини гапириб берди. Опанинг юз-қўзидан ишидан, ҳаётини мамнуллиги кўриниб турарди. Дарвоқе, Лола опа меҳнати ортдан қадр тоналган. 2014 йилда соҳанинг «Энергетика фахрийси» унвони билан тақдирланди. Ташкилотда бундай муҳофот соҳиблари кўплигини эшитиб, жамоага бўлган ҳавасимиз янада ортди.

Суҳбат асноси муносиб иш шароити аёлни кўтаринки руҳда ишлашга ундашига яна бир бор амин бўлдим.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Давра суҳбати

Бош мавзу — меҳнат муҳофазаси

Нукусда меҳнат муҳофазасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Вазирлик ва идоралар, корхона, ташкилот ва муассасалар, касабани уюшма етакчилари иштирок этган тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Уринбосари Муратбай Данёров олиб борди.

Унда мутахассисларнинг меҳнат муҳофазасига оид маърузалари тингланди. Меҳнат вазирлиги ходими Қариу Қаймолдаев, Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси вакили Сарвиноз Матқаримова, психиатор-шифокор Даўлетбайқе Қурбанова ва психолог ўқитувчи Элла Сулётбаеваларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни ривожлантиришнинг аҳамияти, ишлаб чиқаришда стрессни бартараф этиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақидаги маърузалари қатнашчиларда чуқур мулоҳаза уйғотди.

— Меҳнат шароитини яхшилаш ва уни муҳофаза қилиш, ходимлар соғлигини эътиборга олиш баробарида, ижтимоий ёрдамлар кўрсатиши иш берувчилар қатори касабани уюшма ташкилотлари вакиллари ҳам катта масъулият талаб қилади, — деди бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Бекполат Утепбергенов.

— Жойларда касабани уюшмаларнинг маъмурий билан ҳамфикр, ҳамжihat иш олиб бориши муваффақият гарови бўлиб хизмат қилаётди. Шу кунги бирлашма давра суҳбати иштирокчилари учун маҳсус кийим-бош, хавфсизлик техникасини таъминловчи восита ва анжомлар жамланмаларидан иборат қўргазма ташкил этилди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

Бухоро вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмасида меҳнат муҳофазасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг касабани уюшма қўмитаси раислари, жамоатчилик асосида сайланган вакиллар ҳамда иш берувчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандислари қатнашди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида» Бухоро вилоят Меҳнат бошқармасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси Давлат инспекция бошлиғи Бўстон Жумаев, «Стресс — унинг умумий касб касалликлари, меҳнат жароҳатлари келиб чиқишидаги аҳамияти ва олдини олиш йўллари ҳақида» вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасининг бош невропатолог Уринбосари Нажмиддин Мўминов, «Ишлаб чиқариш билан боғлиқ содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, жароҳатланишлар ва касб касалликлари таҳлили» тўғрисида бирлашма кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ҳайитбек Барноев, «Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил фаолияти ҳақида» Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандиси Дилобар Жумаева, «Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-қўшунларнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ишларини ташкил этиш тўғрисида» «Райт-мейжа-тест» НОВ иш ўринларини аттестациядан ўтказувчи маҳсус лаборатория мутахассиси Маъмуржон Ражабовнинг қўргазмали слайдлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ибрагим БЕРДИЕВ, вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси

Ўқув-семинар

Қашқадарё вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда иш берувчи ва кадрлар хизмати ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Қонун устуворлиги — манфаатлар кафолати

Вилоят ҳокимлиги, меҳнат ҳамда Давлат солиқ бошқармалари, банк ходимлари, касабани уюшма фаоллари қатнашган семинарни бирлашма кенгаши раиси Эсон Ражабов очиб берар экан, меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномасининг аҳамиятига эътиборни қаратди.

Таъкидланганидек, ўтган йилда вилоят бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг 95,4 фоизи бажарилишига эришилди. Тадбир асноси, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Садулла Бобоқулов кичик бизнес субъектлари учун қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган имтиёزلар ҳақида маълумот берди. Шунингдек, бирлашма кенгаши юридик бўлими етакчи мутахассиси А.Муродов ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири А.Хўжақуловларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Бор бўл, оқибат!

Фахрийлар эъзозда

9 май — Хотира ва кадрлар кўни муносабати билан таълим ва маданият соҳасида ишлаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган қосонсойлик 25 нафар ўқитувчи ва мураббийларга совға-салом тортиқ қилинди. Ёлғиз яшаётган 12 нафар ёши улуглар моддий рағбатлантирилди. Соҳада ишлаётган илгор ўқитувчи ва ходимлардан 100 нафари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Аъзоларнинг кўнгилли дам олишини таъминлаш мақсадида концерт дастурлари, маданий тадбирлар ташкил этилиб, вилоятдаги Алишер Навоий номидаги мусикали драма театрига ташрифи уюштирилди.

Алишер РАЖАБОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюшмаси Қосонсой туман кенгаши ҳисобчиси

Мавсумга тайёргарлик

Масъулиятли ёндашув

Жиззах вилояти бўйича жорий мавсумда шаҳар ташқарисидаги 14 та стационар оромгоҳда 4300 нафар, 60 та кундузги оромгоҳда 5225 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган.

Барча мутасадди ва ишчи гуруҳлар зиммасига оромгоҳларни таъмирлаш, зарур жиҳозлар, белгиланган миқдорда дори-дармон, санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш, кутубхоналарда бадиий китоблар, маданий ва спорт жиҳозлари етарли бўлишини ташкил этиш сингари долзарб вазифалар юклатилди ва ижроси назоратга олинди.

Ишчи гуруҳлар касабани уюшмалари билан ҳамкорликда оромгоҳларда фаолият олиб борадиган педагог ходимлар, тарбиячи, етакчи ва тўғарак раҳбарларнинг энг муносиблари танлаб олинмоқда. Ихтисослашган оромгоҳлар бўйича эса тақлифлар ишлаб чиқилиб, ихтисосли йўналишлар бўйича дастурларда чет тили ўқув дарсларини кенгайтириш,

ҳар бир йўналиш фаолияти бўйича услубий қўлланмаларни жойларга етказишга киришилди. Оромгоҳларда фаолият кўрсатадиган педагог ходимлар вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўқитилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жағмармаси худудий филиали имкониятидан фойдаланиб, оромгоҳларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Оромгоҳларда барча зарур шарт-шароит яратиш баробарида, хавфсизликни таъминлаш, сифатли озиқ-овқат етказиб бериш ишлари юзасидан тизимли назорат ўрнатилди.

Вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Камо-

лот» ЁИХ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда оромгоҳлар бошлиқлари, ёшлар етакчилари, катта тарбиячилар, тиббиёт ходимлари билан амалий семинарлар ўтказилмоқда.

«Жиззахавтойул» худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти тегишли туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда Зомин, Жиззах, Фориш, Фалларол туманларидаги стационар оромгоҳларга элтидиган йўлларда таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Усмирларни фойдали меҳнат ва дам олишга жалб этиш мақсадида касб-хўна корлежи ўқувчилари амалиёт ўташи белгиланган корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари ташкил этилади.

Мавсумда вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан ҳамкорликда ногирон, боқувчисини йўқотган, воғга етмаганлар, айниқса, ижтимоий ҳимоя ва соғломлаштиришга муҳтож саккиз юз нафар болани имтиёз билан бепул йўлланма билан таъминлаш мажбуриятини олди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

## Обод элнинг озод фарзандлари

**ЎЗБЕК**  
Дарҳақиқат, ёшлар барибир бошқача: замонавий ва билимли, янги касбларга интилувчан, савий-ҳаракат бобиди ҳам тезкор ва илдам... Уларда қадриятларни қайта баҳолаш, катталарга нисбатан ўзгачароқ фикрлашга интилиш кучли.

Сир эмас, яратилган имкониятларга мос равишда ёшлар дунёқараши тубдан ўзгарган. Уларда ўз тақдирини ўзи белгилаб, ўзи меҳр қўйган соҳада фаолият юритиш истаги устувор, ўз фаолиги ва ташаббуси билан юксак марраларга эришишга орзумандлик ўта кучли. Ўтмишдагидек таълим олиши ҳам номигагина эмас. Аксинча, болаларнинг замонавий шароитларга эга мактабларда мукамил илм олиш ҳуқуқи кафолатланган. Ёш авлод академик лицей, касб-хунар коллежлари, musiқа ва санъат мактаблари, олимпия захиралари коллежларида таълим олишмоқда. Барча имкониятга эга университетларда ўзлари истаган мутахассислик бўйича ўқиб, юрт тараққиёти йўлида белни маҳкам боғлаб, хизмат қилишни муқаддас бурч деб билишаётди. Бир сўз билан айтганда, замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшлар ватан равнақи йўлида ўзларини намоён этишяпти. Энг муҳими, давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик харажатларнинг изчил ошиб бораётгани ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш каби йўланишлардаги муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Сўнги беш йилда мамлакатимизда 278 та болалар musiқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан шуғулланаётгани ва бошқа мисоллар ёш авлоднинг соғлом ва маънавий баркамол инсонлар бўлиб ююга етишини таъминлашда изчил ишлар олиб борилаётганлигини турли даражаларда ўз эътирофини топмоқда. Мазкур савий-ҳаракатлар самараси ўлароқ, «Sav the children» халқаро ташкилоти рейтингига қўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўрта мамлакат қаторидан жой олди. Болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Инсонга жуда кўплаб гўзал фазилатлар берилган. Ана шу неъматларнинг энг улуғи — шукроналик туйғусидир. Шукронаси бўлмаган одамнинг ишида унуми, кўнглида хотиржамлиги бўлмайди. Шукроналик барқарор тараққиёт пойдевори, миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми эканлигини, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон амалда исботлаб улгурди. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудда хавфсизлик таъминлангани, тинчлик, хотиржамликнинг мустаҳкам ўрнатилгани ёшларимизда эртанги кунга бўлган ишонччи янада юксак погоналарга кўтармоқда. Ўзбекистон дунёнинг энг хавфсиз давлатлари рейтингига иккинчи ўринда эканлигининг ўзини кўп нарсани аниқлатади.

Шукрнинг бош манбаи, бу — Ватан мустақиллигидир. Унинг энг олий неъмат ва улкан имкониятлар манбаи эканлигини ҳамisha ёдда тутмоғимиз зарур. Шундай экан, ёшларнинг хатти-ҳаракатини Ватан мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, сарҳадларимиз дахлсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатардан оғоҳ бўлиб яшашга, дунёга очик кўз билан қараб, очки қорадан, яхшини ёмондан ажрата олишга ўргатиш, олижаноб, бағрикенг халқимизга, Ватанимизга фарзандлик меҳри, садоқат билан хизмат қилиш энг олий бурч эканлигини тушунтириш бугун ёшлар тарбияси билан шуғулланаётган ҳар бир инсоннинг виждон ишига айланиши даркор.

Улаш МУСТАФОЕВ,  
ТерДУ ижтимоий фанлар кафедраси мудири.  
Маҳмуд МАЖИДОВ,  
ТерДУ ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

## Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Инсонлар саломатлигини сақлашдек савобли ишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидойи соҳа ходимларини Халқаро ҳамширалар куни билан самимий қутлайди.

*Масъулиятли ишингизда сизга сўҳайт-саломатлик, рўзгорингизга қўй-баракат, оилавий хотиржамлик тилайди!*



## Қўлингиз аспо дард кўрмасин!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ 1-КЛИНИК ШИФОХОНАСИ КАСАБА УЮШМА ҚўМИТАСИ**

Клиникада ва соҳада сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳамшираларни касб байрамлари билан табриклайди. Машаққатли ва айни дамда савобли ишингизда омад, ўзингизга соғлиқ, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилайди.

*Халқимиз саломатлиги йўлидаги савий-ҳаракатларингизда ҳамisha зафарлар ёр бўлсин!*

ИЖТМОИЙ РЕКЛАМА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ

**«Қонунийликни мустаҳкамлаш, инсонларда қонунига ҳурматни, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш» мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини эълон қилади**



**«Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини эълон қилади**

### Куйидаги йўналишларни назарда тутичи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Худудий электрон ОАВда Ўзбекистон Республикасининг асосий қондалари, принциплари ва мақсадларини очиб беришга, Бош қонун нормалари мейёрилари ҳақидаги билимлар тарбияси, 2011 ва 2014 йилларда унга доир қабул қилинган тузатишларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган махсус телерадио дастурлар, роликлар тайёрлаш;
2. Жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, уларнинг, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган (оддий фуқаролар, тадбиркорлар, пенсияонерлар, ногиронлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида хабардорлигини янада оширишга қаратилган туркум маънавий-маърифий тадбирлар (давра сўхбатлари, семинарлар, теле ва радио дастурлар, матбуот ва интернет тармоғидаги мақолалар) ўтказиш;
3. Худудий электрон ва босма ОАВда барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, турли соҳалар (йўл ҳаракати қондалари, шахарсозлик нормалари, коммунал ва йўл ҳужжатлари, қўшнлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва бошқалар) да қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик фактларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши муҳитини шакллантиришга қаратилган материаллар тайёрлаш;
4. Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари билан биргаликда қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ долзарб масалаларни аҳолига тушунтириш мақсадида телевидение, радио, босма

- нашрлар, интернет тармоғида махсус рунлар тайёрлаш;
5. Шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд ҳуқуқий механизмлари ҳақида фуқароларнинг хабардорлигини оширишга, уларда амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билими, малакалари, кўникмалари ва тайёр-гарглигини шакллантиришга қаратилган мавзуга оид телерадио дастурлар, мақолалар тайёрлаш;
6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлариغا сайланган депутатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлари, жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун уларнинг ваколатларидан фойдаланиш имкониятлари билан аҳолини таништириш бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;
7. Худудий ОАВда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уни амалда қўллаш механизмлари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;
8. Қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши бўйича республикада олиб борилаётган ишлар (таклиф этилаётган янги нормаларнинг, ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш механизмларининг аҳамияти) ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;
9. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ижро этилиши борасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни лойиҳаларининг жамоатчилик ўрта-сиддаги муҳокамаларини ўтказишга қўмақлаштириш;
10. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, ҳуқуқий билимларнинг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан

- самарали фойдаланиш.
- Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**
1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. Давлат гранти лойиҳаси учун [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтыда joyлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг устави (низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензиялангандаги фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.
- Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юборилмайдиган муҳрланган конвертларда (A4 форматда) куйидаги маълумотни қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида таъиниши мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

- Куйидаги йўналишларни назарда тутичи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:
1. Ўсиб келаётган авлодда ота-онани, катталарни ҳурматлаш, кичикларга ғамхўрлик қилиш, меҳрибонлик ва инсонийлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик, Ватани ва халқига садоқат каби юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш;
2. Касба ёшдаги шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида қўнғилчилар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ёшларни кенг жалб қилиш;
3. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаролик онгини юксалтириш, уларнинг мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
4. Ёшларнинг туғилган ўстан ўз ўлкаси тарихи, маданияти ва меъморий обидлар ҳақидаги билимларини бойитиш, шу жумладан, махсус клублар фаолиятини ташкил этиш, экскурсиялар ўтказиш, ахборот материаллари, буклетлар, стендларни чоп этиш ва тарқатиш орқали бойитиш;
5. Ўсиб келаётган авлодда китоб ўқишга бўлган қизиқишини ривожлантириш, адабий дидини шакллантириш, китобга муҳаббат ва эҳтиёркор муносабатни тарбиялаш, ёшларда ўқишга бўлган интилишни ошириш, кундалик ҳаётда китоб ўқишнинг амалий қадрини очиб бериш;
6. Техник йўналишдаги касб-хунарлар нуфузини ошириш, ёшларда муҳандислик билимини эгаллаш, танланган мутахассислик бўйича юқори малака олишга бўлган интилишни шакллантириш;
7. Ёш авлодчи фан ва санъатга қизиқириш учун зарур шароитлар яратиш, ёшлар-

- нинг республика ва халқаро танловлар, олимпиадалар ва мусобақалардаги иштирокини ўз ичидой ва интеллектуал салоҳиятини амалга оширишини рағбатлантириш;
8. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи принципларини мустаҳкамлаш, жисмоний маданият ва спортни оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодни алкоғолизм, гиеҳандлик, ахлоқсизлик, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирлари, таҳдидларидан асраш;
9. Ёшларда соғлом ва обод оилани барпо этишга интилишни шакллантириш, уларнинг насли ва туғма касалликлари профилактикаси масалаларига доир билимларини ошириш, оилادا ижтимоий-психологик муаммоларнинг, эрта никоҳлар ва ажралишларнинг олдини олиш, ёшларнинг онгига тўй маросимларини орттиқча ҳашаматсиз ва ҳаддан ортиқ исрофгарчиликсиз ўтказишининг муҳимлигини синдириш;
10. Ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, айниқса, кишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;
11. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни спорт турларига, фан ва санъатга қизиқтириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;
12. Ёшларда Ватанга чуқур муҳаббат, Куролини Кўларимиздан фахрланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат ҳисларини тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида ва маҳалларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишларни фойдалантириш;
13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари норма-

- ларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда жамоатчиликнинг, фуқаролик жамияти институтларининг ролини кўяйтириш.
- Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**
1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. Давлат гранти лойиҳаси учун [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтыда joyлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган устави (низом) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензиялангандаги фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори — 25 миллион сўмгача.
- Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юборилмайдиган муҳрланган конвертларда (A4 форматда) куйидаги маълумотни қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида таъиниши мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Урганчинг бугунги тонги янада файли бўлди. Темир йўл вокзалига келиб тўхтаган «Афсона» поезда тонг сукунати бузиб, куннинг кизгин бошланганидан дарак берди. Карнай-сурнай садолари янгради. Ахир, кўхна Хоразмга яна меҳмон келди...

Шукрим, ҳар қандай меҳмонни бошимизни банд тутганча, тавозе билан кутиб олишга қодирмиз. Унга фахрланиб намойиш қиладиган масканларимиз, гурурланиб айтадиган гапларимиз кўп. Боиси, ютуқларимиз бисёр...

«Афсона» поезда Хоразмга Тошкенту Жиззах, Самарканду Қашқадарёдан ўқитувчи мураббийларни, шифокору муҳандисларни, қурувчи электрликларни, кўйинги, жамиятнинг ҳар жабҳасида илғор саналган 357 нафар касабга уюшма аъзосини олиб келди.

Улар орасида Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси, «Меҳнат шухрати» ордени нишондори Улуғбек Мустафоқулов ҳам бор. Улуғбек ака келажак ворисларига тарих ва ҳуқуқ фанларидан сабоқ беради. «Афсона» поездада қарийб 16-17 соат мобайнида йўл-йўлакай ҳамкасблари, 6-мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Маҳмуджон Каюмов, Охангорон туманидаги 37-мактаб директори Илҳом Исабеков билан ватанимиз тарихи, истиқлол берган имкониятлар, амалга оширилаётган бунёдкорликлар, ёшларга қаратаётган эътибор ва унинг самаралари ҳақида суҳбатлашиб келишди.

— Юртимизнинг қай гўшасига ташриф буюрмайлик, янгиликларга гувоҳ бўлаймиз. Мана, ўзимизнинг вилоятимизни олайлик. Мовароуннаҳр диний идораси ёнида барпо этилган мажмуа барчанинг ҳавасига сабаб бўлди. Халқимиз нафақат тарихий меъмориликдаги ютуқлари, балки бугунги бунёдкорликлар билан ҳам дунёни ҳайратга сола олади, — дея гурурланиб гапирди Улуғбек ака.

— Учкудуқ-Урганч йўналишидаги янги темир йўлдан келайтиб, ич-ичдан ифтихор туйдиқ. Мухтарам Юртбошимизнинг доно ва оқилона сиёсати тўғрисида асрлар давомида қилган орзумиз қисқа фурсатда рўёбга чиқди, — эътироф қилди Маҳмуджон ака.

— Шунинг айтиши, бугун темир йўлларимиз чинакамга юртимизнинг таянчига айланмоқда. Қамчиқ доводнидаги бунёдкорликлар ҳам яқинига етиб, тез фурсатларда ватанимиз кудратига қудрат қўшади, — қувватлади Илҳом Исабеков.

Самимий суҳбатлардан кўнгиллари жўшган устозлар фурсатнинг ўтганини ҳам сезмадилар. Озода ўриндилар, ширин таомлар, кимга кўк, кимга қора чой, турфа ичимликлар... Мухими, ходимларнинг ширин муомаласи, йўловчиларга қўрсатилган иззат-икром, ҳурмат-эҳтиром...

Поезддан тушиб ўзбегим автобусларига ўрнашган сайёҳлар Жалолддин Мангуберди боғ-мажмуаси

томон йўл олдилар. Буюк аждодимизнинг виқорли ҳайкали қошида ҳар кимнинг ҳам қалбида «Ким эди-гу ким бўлди?» деган савол ва унинг залворли жавоби акс-садо бериши ва тилларда ифодаланиши аниқ. Мамлакатимиздаги энг банд ҳайкаллардан бири бўлган, мардлик ва жасорат, гурур ва шайъ тимсоли Жалолддин сиймоси буюк нўмаат — истиқлолга ўз-ўзидан эришилганини, улкан мақсад, улуг гоя, бетиним кураш маҳсули бўлган мустақилликни асраб-авайлаш, авлодларга овоз ва обод ватан қолдиришда буюк ният рўёби йўлидан бирдам ва ақдил ҳаракат қилиш лозимлигини ўқитиб тургандай.

Тўқинлик ва фаровонликдан нишона бериб Шовот канали пишириб оқди. Чап тарафда «Авесто» боғ-мажмуаси. Урганч китобга ҳайкал кўйган, китобни, сўзни буюк санаб, унга эҳтиром қўратган дунёда санокли шаҳарлардан бири. Бу эса халқимизнинг маънавиятга, маърифатга ташна ва ошуфта эканлигининг яна бир далилидир.

Дарҳақиқат, эндиликда Хоразм сайёҳларни ўзига мафтун этган диёрга айланди. Унинг хусну жамолига, халқининг фидойилигига таъриф таъсифлар Хивага етиб боргунга қадар тугамади.

Мана, мўъжизакор Ичан қалъа. Мағрибу машриқи бирлаштиради, икки ярим минг йиллардан буён дунёни ҳам обдалари, ҳам ҳунармандчилиги, ҳам қадриятлари, беназир инсонлари билан ҳайратлан-тириб келётган, халқимиз куч-қудрати, аждодларимиз ақлу зақоси маҳсули бўлган, кимга орзу, кимга армон улуг Хива. Ота дарвозадан шаҳарга кириш олдида яна бир буюк аждодимиз Хоразмий ҳайкали қошидаги мулоқот ҳам илм-маърифат ҳақида бўлди. Дунёни ўзгартирган, тамаддун ва тафаккур тимсолига айланган улгурган Хоразмийга муносиб авлод бўлиш, бугунги кечкизи имкониятлардан самарали фойдаланиш, илм машъаласини яна-

Миннатдорлик мактуби

«Kasaba sayr» мўъжизаси


Жиззах вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси бу гал икки авлод вакиллари жалб этган ҳолда Урганч ва Хива шаҳарлари бўйлаб саёхат уюштирди.

Федерация Кенгаши тасарруфидаги «Kasaba sayr» шўъба корхонаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида айнан саёхатчилар учун ҳаракатланаётган «Афсона» поездада кўхна ўлкага икки кунлик саё-

Ички туризм

Кўзларимга тўтиё, Ватан!

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Kasaba sayr» шўъба корхонаси томонидан ташкил қилинган Хоразм вилоятига навбатдаги саёхат барчада катта таассурот қолдирди.



да баландроқ ёритиш иштиқи қалбимиздаги илму зийга ташналик билан янада уйғунашди. Аслида, касабга уюшмасининг ундови билан юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган инсонларни афсонавий шаҳарга бошлаб келган ҳам ана шу маънавият ва маърифатга ошуфталик, улуг аждодларимизга бўлган эҳтиром, ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқатдир.

Қалъа билан танишиш осон бўлиши учун кичик гуруҳлар ташкил қилинди. Йўлбошловчи йигит-қизлар меҳмонларга Хивани меҳр билан таърифлашга киришдилар.

— Ал-Хоразмий номидаги меҳмондўстлик майдонида жойлашган Ота дарвоза Ичан қалъанинг фарбий қисмидаги асосий дарвозаси ҳисобланади. Ушбу дарвоза орқали сайёҳлар қадимий ва навқирон Хивага ташриф буюридилар. Дарвозанинг ичкари қисмида 13 та савдо راستаси, бостирмали бозор — Чорсу бўлган. Унинг ўнг томонида эса

Мухаммад Аминхон мадрасаси (1855 йил), чап томондан Арк (Кўхна Арк) жойлашган. Дарвоза ичкарисида хорижий мамлакатлардан келган савдогарлардан боғ ундириладиган «Божхона», пул алмаштириладиган «Саррофхона» бўлган. Дарвозанинг бўйи 10 метр, эни 4 метр. Тўртта асосий хонаси бўлиб, XX асрнинг 20-йилларида нураган ва 1975 йили асл ҳолида қайта тикланган, — дея маълумот беради йўлбошловчи.

Ичан қалъанинг ҳар гишти, ҳар устуни, ҳар нақши қадри. Уларда боболаримизнинг орзу-истаклари, қалб қўрлари мужассам. Милоддан аввалги VI — V асрлардан милодий XX аср бошларигача бўлган даврларга тааллуқли тўрт тарихий давр аъёналарини жамлаган 122 дан ортиқ археологик ёдгорликлар ва меъморий обидалар гоҳ шонли, гоҳ қайғули ўтмишимиз гувоҳи.

— Очиғи, Ичан қалъада хорижий сайёҳлар кўпчилигини кўриб қувондик. Бир тарафда италян, бир тарафда

француз тилида юртимиз тарихини сўзлаб бераётган йўлбошловчи йигит-қизларга ҳавасимиз келади, — дейди Бекобод шаҳар газ идораси вакили Нодира Шодиева. — Хивада гиламдўзлик, кошинлик, кўйроч қасб, кулолчилик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, сангарошлик каби миллий хунармандчилик ривожланганлигига гувоҳ бўлдик. Уларнинг намуналарини эсдалик сифатида харид қилдик.

Сайёҳлар Полвон пир номи билан машҳур ҳазрат Пахлавон Маҳмуд қадамжосида ҳам бўлишди. Йўлбошловчиларнинг ушбу мақбара, буюк бобомиз ҳақидаги ҳикоясини барча кунт билан тингладик.

Пахлавон Маҳмуд 1247 йилда Хива шаҳрида пўстиндўз (қосиб-хунарманд) oilасида туғилган. Ёшлик йилларида ота касби пўстиндўзлик билан шуғулланган, сўнгра хат-савод чиқариб, буюк шоир-файласуф даражасига эришган. У жуда ҳам забардаст пахлавон бўлиб, 79

йиллик ҳаётида бирон марта кураги ерга тегмаган.

Ҳа, бизнинг боболаримизга мардлик, танглик, баргикенглик, голиблик хос.

Буюк аждодларимиз мақбаралари нафақат Хивада, Фарғонау Самарқанд, Бухороу Қашқадарёда ҳам халқимизни эзгуликка ундаб келмоқда. «Қашқадарё электр тармоқлари» корхонаси вакиллари Шаҳрисабзда амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирар эканлар, улуг саркарда, соҳибқирон Амир Темир бобомиз қолдирган мероснинг беқўёслигини алоҳида таъкидлашди.

— Биз фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб ворис қилиб вояга етказишимиз керак, — дейди муҳандис Гузал Давронова. — Дунёда ҳеч бир халқ эъза каби бой меросга эга эмас. Бунга Хивага саёхатимиз давомида яна бир бор амин бўлямиз.

Ичан қалъа билан танишув кечга қадар давом этди. Хивадаги гузал тўйхонада миллий таомларимиз ва миллий куй-қўшиқларимиздан баҳраманд бўлган меҳмонлар тadbир ташкилотчиларига миннатдорлик билдирдилар.

— Касабга уюшма аъзоларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёхатлар уюштириш йил бўйи давом этади, — деди «Kasaba sayr» шўъба корхонаси раҳбари Тўлқун Хидиров. — Зеро, ватанимизда ҳавас билан томоша қилишга, кўзимизга тўтиё айлашга аригулик обидалар, шахру кишлоқлар жуда кўп.

Муҳаббат Тўрабоева, «Ishonch» мухбири

кўплаб тарихий обидалар ҳақида бир-бирдан қизиқarli маълумотларга эга бўлдик.

Хива шаҳридан бошланган саёхатимиз Урганч шаҳрида давом этди. Мустақиллик йилларида қайта қурилиб, замонавий «MEGAPOLIS» кўринишини олаётган Урганч ҳамда «ЮНЕСКО» Халқаро ташкилоти томонидан «Шарқ дурдонаси» дея тан олинган Хива шаҳрига саёхат хотирамизда ўчмас таассуротлар қолдирди.

Зеро, қадимий ва гузал шаҳарлар, улардаги бектор тарихий-маданий обидалар, диёримизда қад ростлаётган маҳобатли иншоотлар барча-барчада юртдан фарқлиниш тўғрисидаги шакллантирмоқда. «Kasaba sayr» шўъба корхонаси фаолиятидан миннатдоримиз.

Ойражаб ҚУЛМАТОВА, Жиззах туманидаги Учтепа кишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Фестивал

Фусункор тароват

дилларга, тилларга кўчди

Хонобод шаҳри ўзининг мафтункор табиати, мусаффо ҳавоси, анвойи гуллари, турфа дов-дарахтлари билан киши қалбига баҳорий илиқлик, ёшлик завқини бахш этади. Бу гўшанинг қай бир кўчаси, маҳалласига борманг, орасталик, ободлик ҳавасингизни келтиради. Кунчиқар худуднинг одамлари ҳам бағрикенг ва меҳмондўст, танти ва меҳнаткаш. Шунинг учунми, бу ердан ҳеч меҳмон аримайди.

«Хонобод таровати» аънаввий ёшлар фестивалига ташриф буюрган давлат ва жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, пойтахтдан ҳамда узоқ-яқиндан келган меҳмонлар айнан шу фикрлар исботига ўзлари гувоҳ бўлишди.

Анджон вилояти ва Хонобод шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил этилган тантананинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Мухаммаджон Нишонов, танкили телережиссёр Мели Маҳкамов, Мухимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри санъаткорлари — Ўзбекистон халқ артистлари Одина Фозиева, Наима Пулатова ва бошқалар иштирокчиларини байрам билан кизгин кутладди.

Шаҳарнинг бугунги чиройи, катта ўзгаришларда хонободларнинг гайрат-шижоати муҳассамлиги ҳақида илиқ фикрлар билдирилди. Фарғона водийсининг турли ҳудудларидан кел-

ган сўз усталари, аскиячи ва қизқичлар ўртасидаги кўнгилочар дастур дарага янада кўр бағишлади.

Фестивал доирасида малакали ошпазлар иштирокида «Палов сайли» мусобақаси ўтказилди. Қатнашчилар ўзбек миллий таомини тайдёрлаш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Ўзим тadbиркорман, ош дамлаш жоним дилим, — дейди хўжаободлик Рустамжон Мирсоқиев. — Андижонча, Тошкентча ва Хоразмча палов тайёрлашни биламан. Ишга меҳр билан ёндашсангиз, таомингиз шунча мазали бўлади. Яқинда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» фестивалида ҳам қатнашиб, кумуш пичоқ билан тақдирландим. Бугун қаклик гўштидан қиймали чойхона палов пиширяпман.

Этиборлиси, ёшлар фестивали вилоятдаги болалар мусика ва санъат мактаблари, лицей ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларини бир мақсад йўлида бирлаштириб, улар



иқтидорининг янги қирраларини намойиш этди. Рассомлик, ҳайкалтарошлик, хунармандчилик маҳсулотлари, қўл меҳнати асосида тайёрланган хилма-хил ва ажабтовур буюмлар, ёшлар ижросидаги мусиқий композициялар йигит-қизларнинг профессионал маҳорати ошиб бораётганидан дарак берди.

— Хонободга хос фусункор манзаралар менда катта завқ уйғотди, — дейди Шаҳрихон туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Сарвиноз Мамасолиева. — Аиниқса, ямояшли қир-адирлар, пурвиқор тоғларга қараб баҳри-дилиг очилади. Таассуротларимни мўйқаламда ифодалаяпман.

Тadbир дастурларидан ўрин олган «Оилам — бахтим меннинг» шiori остидаги «Ёш оила» кўрик-танлови халқимиз турмуш тарзига хос ибратли таж-

рибалар, миллий аънава ва удумларимизни тарғиб этгани билан эсда қоларли бўлди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган беллашувда туманлардан тавсия этилган намунали хонандоларнинг фарзанд тарбияси, қайнона-келин муносабатлари, маҳалла ҳаётидаги иштироки, рўзгор тутуми сингари қатор ўзига хос жиҳатлар синовдан ўтди.

Танлов голиблари ҳамда фаол қатнашчиларга таъсисчиларнинг диплом ва кимматбахо совғалари топширилди.

Оқшомга қадар давом этган фестивал чинакам халқ сайлига айланди. Хонободнинг фусункор таровати тилларга, дилларга кўчди.

Нурилло Нўймонов, «Ishonch» мухбири, Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат

Реклама

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- 1. Сайхунбод туманидаги «Пахтакор» маданият ва аҳоли дам олиш марказини мукаммал таъмирлаш (тип-2). Бошлангич нархи — ҚҚС билан 720 568 806 сўм, ҚҚС сиз 600 474 005 сўм. Қурилиш муддати — 135 кун.
2. Lot 26-1. Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маданият ва аҳоли дам олиш марказини мукаммал таъмирлаш (тип-3). Бошлангич нархи — ҚҚС билан 692 909 105 сўм, ҚҚС сиз 494 090 921 сўм. Қурилиш муддати — 141 кун.
3. Lot 26-2. Сирдарё туманидаги «Истиқлол» маданият ва аҳоли дам олиш марказини мукаммал таъмирлаш (тип-3). Бошлангич нархи — ҚҚС билан 497 877 989 сўм, ҚҚС сиз 414 898 324 сўм. Қурилиш муддати — 141 кун.
Қурилиш ишларини молиялаштириш: Маҳаллий бюджет ҳисобидан.
Буюртмачининг манзили: Гулистон шаҳри, М.Ахтимова кўчаси, 30-йў.
Телефон/факс: (0-367) 227-63-66.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар кўйдаги талабларга мос қилишлари керак: ҳисоб рақаминда танлов савдолари предмет қийматининг камидан 20% миқдордаги айвами маблагдан бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблагга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (ҳизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг маълумоти, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лавҳат ва ваколатларга эга, таърифи ва ишончли бўлишлари, ўқшаш объектиларда ишлаш таърифидаги маъмулоти бўлиши шарт.

Қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйлади.

Танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганида уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қўйидаги нарх профренциялари кўзда тутилган: танлов иштирокчиларнинг тақлифларини баҳолash ҳаётида танлов тақлифларида четдан ишлар (ҳизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озода эитилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтимова кўчаси, 30-йўлда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қўйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: — 87 (факс): (0-3672) 27-64-42. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — Тел (факс) — 112 740 сўмгача. Тақлифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати: оферталар очилиш кuni ва соатига. Танлов савдоси имтиёзига эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

УЗР ФАНИНГ Ион-плазма ва лазер технологиялари институти (ИНН: 200540454, ОКОНХ: 95110) ўз фаолиятини тугатаятганини маълум қилди. Барча дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳақидаги дaъволар УЗР ФАНИНГ Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бир ой мuddат ичида қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-йў. Телефон: (998-71) 262-79-40, факс: (998-71) 262-87-67.

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LMALAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Husug va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftoning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Satovda erkun narxda.

«Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rinishli short. Mualliflar fikri to'liq ravjda nazardon tanqitlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andjon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova
Navbatchi: D.Oripov
Musahhah: S.Shodiyeva

Sahifalovchi:

H.Abdullolov

Boshloq topshirish vaqi — 21:00

Topshirish — 21:20

1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etiladi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta o'qset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma tabaq.

Buyurtma Γ — 515.

2012-yil nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi: 133